

## **№ 12- сонли пудрат шартномаси**

Пахтакор ш

2022-йил 16 сентябр

**Пахтакор туман Ирригация булими номидан НИЗОМ асосида фаолияти юритувчи раҳбари А.Р.Авазов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) ва «Building-Repair» х/к номидан НИЗОМ асосида фаолияти юритувчи раҳбари А.Ахмедов (кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) лар мазкур шартномани қўйидагилар хақида туздилар.**

### **1. Шартнома предмети**

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра ўз материаллари ёки буюртмачининг материалларидан фойдаланиб: мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул килиб олиш ва бунинг учун хақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қўйидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**Пахтакор туманидаги Жиззах вилояти Пахтакор тумани ирригация бўлими хисобидаги ЮР 18-1 ва ЮР 18-3 хўжаликлараро каналларида гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш**

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022й. «17» сентябрга қадар пудратчига зарурӣ лойихасмета хужжатлари, техник хариталар тақдим этиш мажбуриятини олади.

Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

Ишларни бажариш муддати:

2022й. «16» сентябрдан

2022й. «28» сентябргача.

Пудратчи ишларни олдин бажариш хукуқига эга (эга эмас).

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

### **2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати**

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома кийматининг 30 % миқдорида бўнак тўловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ хажмда бажарилгандан сўнг қолган маблағни буюртмачига узил-кесил, хисоб-китоб амалга оширилади.

2.2. Шартнома икки томондан имзолангандан кейин қонуний кучга эга булади ва «31» декабр 2022 йилгача амал килади.

### **3. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари**

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш хамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 3 кун ичida текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни қўриқлаш бўйича зарурӣ чоратадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қўйидаги хукуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш хукуқига эга.

### 3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги хақида хабарнома олгандан кейин 3 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул килиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишилар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар хақида пудратчига дархол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган хисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун хақ тўлаш.

### 3.4. Буюртмачи қўйидаги хукуқларга эга:

3.4.1. хар қандай вактда пудратчининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вактда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор килиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан хамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши хам шарт.

## 4. Шартноманинг баҳоси ва хисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 12956585 (Ўн икки миллион тўқиз юз эллик олти минг беш юз саксон беш) сўмни ташкил килади.

4.2 Ушбу шартнома бўйича тўлов аванс асосида амалга оширилади.

4.2.1 Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 5 % микдорда жарима ва хар бир кечикирилган кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар хақини ўз вактида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

## 6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

### 6.1. Томонлар қўйидагиларга мажбур:

- Томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонун хужжатлари талаблари бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/ҳаракатсизликларга йўл қўймаслик. Коррупцияга қарши кураш ва/ёки коррупцион характерга эга бўлган, шу жумладан (лекин улар билан чекланмаган холда) пора бериш ёки пора олиш, товламачилик, пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш холатларига йўл қўймаслик.

- Томонлар, уларнинг аффилланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимларини ёки ваколатли вакилларини ҳар қандай йўл билан рағбатлантиришини, шу жумладан пул маблағлари, совға-саломлар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки меҳнат муносабатларини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш йўли билан рағбатлантиришини рад этишлари, ходим ёки

унинг ваколатли вакили уни рафбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракат/ҳаракатсизликни амалга оширишига йўл қўймаслиги.

6.2. Агар Томон Шартноманинг 6.1-банди қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, ушбу Шартнома бўйича тегишли Томон бу ҳақда бошқа Томонни хабардор қилиш мажбуриятини олади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари аниқланган тақдирда, бу борадаги ваколатли органларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилади.

## **7. Низоларни хал этиш тартиби**

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан хал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан хал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни қонунчиликда белгиланган тартибда иқтисодий судга кўриб чиқишга топширадилар.

## **5. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби**

8.1. Ушбу шартномага хар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равища расмийлаштирилиб, хар иккала тараф имзолаган холлардагина хақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги холларда шартномани бекор килишга хақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайгандা.

8.4. Пудратчи қўйидаги холларда шартномани бекор килишга хақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргалиқдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тутатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг хажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## **6. Якуний қоидалар**

9.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланганидан сўнг хақиқий хисобланади.

9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва teng кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

9.3. Шартномага

илюва

Гувоҳнома

## **Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари**

### **Б У Ю Р Т М А Ч И**

#### **ПАХТАКОР ТУМАНИ ИРРИГАЦИЯ БУЛИМИ**

**СТИР 305080135**

**ОКОНХ 01613**

**Юридик манзили:** Жиззах вилояти, Пахтакор тумани Сувонобод МФЙ, Миришкор кўчаси 1-йй

**Тел./Факс:** 72-353-11-89

### **И Ж Р О Ч И**

#### **«Building-Repair» х/к**

**СТИР305818979**

**Юрдик манзили:** Жиззах вилояти, Пахтакор т.

**Сувонобод МФЙ, А. Темур кўчаси**

**Тел./Факс:** 99-550-33-27

**Банк номи:** Банк номи: АТБ Микрокредитбанк,

ш/х\* 100022860082287042402170001

Банк номи: Марказий банк ББ-ХККМ

МФО: 00014.

Газначилик бўлинмасининг номи:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

Газначилиги

Газна х/в: 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банк ББ-ХККМ

МФО: 00014

Газначилик бўлинмаси СТИР: 201122919


Жиззах вилоят филиали

Х/Р: 20208000100935675001

МФО: 00135

СТИР: 305818979

**БУЮРТМАЧИ:**

  
А.Р.Авазов

М.У.



**ПУДРАТЧИ:**

  
А.Я.Ахмедов

М.У.



1342883



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"BUILDING-REPAIR" Xususiy korxona

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyeklining tashkilly-huquqiy shakli ko'ssatilgan holdagi to'liq nomi)

"BUILDING-REPAIR" XK

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

23.10.2018

645102

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

305818979

Tashkilly-huquqiy  
shakli:

Xususiy korxona

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Paxtakor tumani, Paxtakor, Suvonobod MFY A.Temur  
ko'chasi,

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Paxtakor tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq-nomi):



**“BUILDING-REPAIR” хусусий корхонаснинг  
умумий йигилиш  
БАЁНИ**

“10” январ 2019 йил

№ 01

Пахтакор ш.

Йигилиш раиси:

С.Норкулов

Йигилиш котиби:

А.Ахмедов

Қатнашдилар:

Ишчи ходимлар

жами 4 киши

Кун тартиби:

**1. “BUILDING-REPAIR” хусусий корхонасига янги раҳбар тайинлаш түгрисида.**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан жамият раҳбари С.Норкулов суз олиб уз сузида хозирги кунда Республикаизда иктиносий ислоҳатларни чукурлаштириш юзасидан олиб борилаётган ишлар түгрисида, жумладан, давлат мулк шаклларини узгартирилиши, бозор иктисиётига боскичма-боскич утилиши, бу соҳада айникса тадбиркорлик мухум ахамиятига эга эканлиги түгрисида ва хусусий корхонага янги раҳбар тайинлаш түгрисида тухталиб утди.

Корхона раҳбари лавозимиға Ахмедов Анвар Яхшиликович номзодини таклиф этди. У уз сузида Ахмедов Анвар Яхшиликовичнинг ишбилармонлиги, тадбиркорлик соҳасида катта малакага эга эканлигини ва шу корхона ишларини жонлантира олиши хакида гапириб утди.

Йигилиш катнашчилари ушбу номзодни бир овоздан қуллаб қуватлашди.

“BUILDING-REPAIR” хусусий корхонасига раҳбари лавозимиға ишонч билдирганлиги ва шу билан биргаликда бундан кейинги корхона фаолиятини тулик юритишни уз зиммасига олиши түгрисида гапириб утди.

Кун тартибидаги масалани хар томонлама мухокама килиб йигилиш

**ҚАРОР КИЛАДИ:**

1. “BUILDING-REPAIR” хусусий корхонаси эски раҳбари Норкулов Содикжон Тиллаевич ўз хохишига кўра бўшатилсин.
2. “BUILDING-REPAIR” хусусий корхонасига янги раҳбари этиб Ахмедов Анвар Яхшиликович тайинлансин.
3. “BUILDING-REPAIR” хусусий корхонасини Пахтакор туман давлат хизматлари марказидан давлат реестрига кайта ўзгартириш киритиш ва қайта давлат руйхатидан утказиш корхонанинг янги раҳбари Ахмедов Анвар Яхшиликович зиммасига юклатилсин.
4. Ушбу карорнинг чикиши муносабати билан барча ташкилий ва маъмурий хужжатлар тупламини тузиш ва хисоб китоб ишларини юритиш “BUILDING-REPAIR” хусусий корхонаси янги раҳбари Ахмедов Анвар Яхшиликович зиммасига юклатилсин.

Йигилиш раиси:

С.Норкулов

Йигилиш котиби:

А.Ахмедов



# **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

## **1. Loyihaning turi**

Shartnomasi

## **2. Loyihaning nomi**

Pudrat shartnomasi

## **3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Shartnoma loyihasi Paxtakor tumani Irrigatsiya bo'limi boshqarmasi tomonidan 2022-yil 15-sentabrdan ishlab chiqilgan va tizimga kiritilgan.

Paxtakor tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga tizim orqali Paxtakor tumani Irrigatsiya bo'limining «Bulding-Repair» X/K va bo'lim o'rtaidagi pudrat shartnomasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasida «Bulding-Repair» X/K tomonidan Paxtakor tumani Irrigatsiya bo'limiga 12956585 so'mlik Jizzax viloyati Paxtakor tumani irrigatsiya bo'limi xisobidagi YuR 18-1 va YuR 18-3 xo'jaliklararo kanallaridagi gidrotexnik inshoatlarni joriy ta'mirlash xizmatlarini ko'rsatash belgilangan.

Paxtakor tumani Irrigatsiya bo'limi tomonidan Jizzax viloyati Paxtakor tumani irrigatsiya bo'limi xisobidagi YuR 18-1 va YuR 18-3 xo'jaliklararo kanallaridagi gidrotexnik inshoatlarni joriy ta'mirlash yuzasidan 13 019 153 so'mga tanlov e'lon qilingan. (lot raqami 144423)

Paxtakor tumani Irrigatsiya bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 8-sentabrdagi bayonnomasiga asosan e'lon qilingan tanlovda «Bulding-Repair» X/K ning 12956585 so'mlik taklifi tanlov g'olib deb topilgan.

O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida"gi qonuni 10-moddasiga asosan xo'jalik shartnomasi shartnoma premetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlar bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagilari shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 31-moddasiga asosan pudrat shartnomasi bo'yicha bir taraf (pudratchi) ikkinchi taraf (buyurtmachi)ning topshirig'iga binoan ma'lum bir ishni bajarish va uning natijasini buyurtmachiga belgilangan muddatda topshirish majburiyatini oladi, buyurtmachi esa ish natijasini qabul qilib olish va buning uchun haq to'lash majburiyatini oladi. Agar qonunchilikda yoxud taraflar kelishuvida boshqacha tartib nazarda tutilgan bo'lmasa, ishni bajarish uchun pudratchi tavakkal qiladi.

Pudrat shartnomasining ayrim turlari (maishiy pudrat, qurilish pudrati, loyihalash yoki qidiruv ishlari pudrati, ilmiy-tadqiqot, tajriba-konstrukturlik va texnologiya ishlari pudrati)ga, agar ushbu Kodeksning bunday turdagilari shartnomalar

tö‘g‘risidagi qoidalarida boshqacha tartib belgilangan bo‘lmasa, ushbu qoidalar qo‘llanadi.

Shartnoma loyihasi O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonuni hamda amaldagi fuqarolik qonunchiligiga muvofiq tuzilgan.

Shartnoma loyihasiga yuridik shaxsning davlat ro‘yxatidan o‘tkazish xaqidagi guvoxnama, loyiha smeta va ekspertiza xujjatlari hamda Paxtakor tumani Irrigatsiya bo‘limi xarid komissiyasining 2022-yil 8-sentabrdagi bayonnomasi ilova qilingan. Shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra:

### **XULOSA QILAMAN:**

Paxtakor tumani Irrigatsiya bo‘limi tomonidan taqdim etilgan «Bulding-Repair» X/K va boshqarma o‘rtasidagi pudrat shartnomasi loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq deb topilsin.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti  
2022-yil 16-sentabr**



S.Majitov



ТАСДИҚЛАЙМАН»

Пахтакор туман ирригация

бўлими бошлиғи

А.Р.Авазов

«13» апрел 2022 йил

Пахтакор тумани ирригация бўлимида 2022 йил сентябр ойида Ирригация бўлимига қарашли ЮР 18-1 ва ЮР 18-3 хўжаликларо каналларида гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун танлов ўтказиш хайъатининг

## МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 01

«13» сентябр 2022 йил

Пахтакор ш.

Пахтакор тумани ирригация бўлимининг 2021 йил 21-апрелдаги № 10-и/ч сонли буйруғига асосан тасдиқланган хаъяти аъзолари қуидаги тартибда қатнашдилар

Раислик қилувчи:

- |               |                               |
|---------------|-------------------------------|
| 1. А.Авазов   | - Бошлиқ                      |
| 2. З.Ахмедов  | - бўлим бош ҳисобчиси         |
| 3. А.Ниязов   | - бўлим СТФ ва ТТЭББ мухандис |
| 4. Я.Султонов | - бўлим Ф ва ТТЭБ мухандиси   |
| 5. Ф.Умматов  | - бўлим техник гидрометри     |
| 6. З.Ахмедов  | - бўлим бош ҳисобчиси         |
| 7. С.Мустанов | - бўлим техник гидрометри     |

### КУН ТАРТИБИ.

1. 2022 йил Пахтакор тумани ирригация бўлимига қарашли ЮР 18-1 ва ЮР 18-3 хўжаликларо каналларида гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш ишлари бажариш бўйича маҳсус ахборот парталига ЛОТ № 144423 рақами билан эълон жойлаштирилган бўлиб муддати 2022 йил 07-сентябр куни тугаган.

Яқунланган танлов натижаларига бўйича 08-апрел куни мажлис баённома ўтказилиб, унда “BUILDING-REPAIR” хусусий корхонаси томонидан берилган таклиф комиссия аъзолари томонидан ғолиб деб топилиб, танлов баённомаси электрон имзо билан тасдиқланди ва мухокама учун 2 иш кунига ахборот парталига жойлаштирилди. Танлов баённомаси бўйича 2 иш куни муддатда иштирокчилар томонидан эътиroz ёки шикоят бўлмаганлиги сабабли ғолиб деб топилган “BUILDING-REPAIR” хусусий корхонаси билан шартнома тузишни лозим деб топдик.

Комиссия аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини эшишиб ва ўрганиб чиққан ҳолда комиссия

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Танловда “BUILDING-REPAIR” хусусий корхонаси ғолиб деб топилсин.

2. Танловда ғолиб деб топилган “BUILDING-REPAIR” хусусий корхонаси ирригация бўлимига қарашли ЮР 18-1 ва ЮР 18-3 хўжаликларо каналларида гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш ишлари учун шартнома тузишга рухсат берилсин.

3. Бўлим бош ҳисобчиси З.Ахмедовга:

Пахтакор туман ирригация бўлимига қарашли ЮР 18-1 ва ЮР 18-3 хўжаликларо каналларида гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблагларни танловда ғолиб чиққан «ЧП BUILDING-REPAIR» хусусий корхонаси ҳисоб рақамига белгилangan тартибда ва муддатларда йўналтириш юклатилсин.

4. Суориш тармоқларидан фойдаланиш ва таъмирлашни ташкил этиш бўйича бош мухандис А.Ниязова

Ирригация бўлимининг ЮР 18-1 ва ЮР 18-3 хўжаликларо каналларида гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш ишларини назоратга олсин.

З.Ахмедов

А.Ниязов

Я.Султонов

Ф.Умматов

С.Мустанов

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 144423 на приобретение Жиззах вилояти  
Пахтакор тумани ирригация бўлими хисобидаги ЮР 18-1 ва ЮР 18-3 хўжаликларо  
каналларидағи гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 08.09.2022

Время рассмотрения 08.09.2022 09:16

Конкурсная комиссия Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошкармаси Пахтакор туман ирригация бўлими, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	AVAZOV AZAMAT RAJABOVICH	Boshliq	Paxtakor TIB
<b>Секретарь комиссии</b>	NIYAZOV ABDIRASIL ALTMISHEVICH	Ishlab chiqarish bulimi boshligi	Paxtakor TIB
<b>Член комиссии</b>	SULTONOV YAKUB MURATOVICH	PK nazoratchisi	Paxtakor TIB
<b>Член комиссии</b>	AXMEDOV ZOXIDJON ABDIKASIMOVICH	Bosh bugalter	Paxtakor TIB
<b>Член комиссии</b>	UMMATOV FAYZULLA BOBOMULLAYEVICH	Teknik	Paxtakor TIB
<b>Член комиссии</b>	MUSTONOV SOLOXIDDIN RUSTAM O'G'LII	GTI nazoratchisi	Paxtakor TIB

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 08.09.2022 года № лота 144423.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 85.00 / Весовой коэф. ценовой части: 15.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по содержанию водохозяйственных систем и сооружений</b>
Подробное описание	Услуги по содержанию водохозяйственных систем и сооружений
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	13 019 153.00
Стартовая сумма	13 019 153.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танловда иштирок этадиган корхонанинг маҳсус техникалари тугрисида майлумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг маҳсус техникалари тугрисида майлумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZOMIN DUTY HOUS	25	Илова	17	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MCHJ		килинди				
ЧП BUILDING-REPAIR	25	7та техника мавжуд	24	Экспертная		

Критерий №2 Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг доимий ишчилари тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZOMIN DUTY HOUS MCHJ	25	Илова килинди	19	Экспертная		
ЧП BUILDING-REPAIR	25	Хозирла доимои ишчиларимиз 4 та шартнома асосида 7 та жами 11 та ишчи хизматчилар мавжуд	23	Экспертная		

Критерий №3 Танловда иштирок этадиган корхонанинг бажарган ишлари тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг бажарган ишлари тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZOMIN DUTY HOUS MCHJ	25	Илова килинди	22	Экспертная		
ЧП BUILDING-REPAIR	25	Вилоятимиизда ва күшни вилоятлар ҳамда ташкилотлар билан ишлари яхши бажарилган	24	Экспертная		

Критерий №4 Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этадиган корхонанинг молиявий холати тугрисида маълумот.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ZOMIN DUTY HOUS MCHJ	25	Илова килинди	16	Экспертная		
ЧП BUILDING-REPAIR	25	холати яхши	21	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ЧП BUILDING-REPAIR	13 019 153.00	12 956 585.00 UZS	12 956 585.00	00.00	12 956 585.00	06.09.2022 10:22:47	15
ZOMIN DUTY HOUS MCHJ	13 019 153.00	13 019 000.00 UZS	13 019 000.00	00.00	13 019 000.00	06.09.2022 09:00:01	14.92809

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП BUILDING-REPAIR	78.2	15	93.2
ZOMIN DUTY HOUS MCHJ	62.9	14.92809	77.82809

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 144423 от 08.09.2022 года на приобретение Жиззах вилояти Пахтакор тумани ирригация бўлими хисобидаги ЮР 18-1 ва ЮР 18-3 хўжаликларо каналларида гидротехник иншоатларни жорий таъмирлаш определила победителем:

ЧП BUILDING-REPAIR  
305818979

и резервный исполнитель: ZOMIN DUTY HOUS MCHJ (309555774)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	AVAZOV AZAMAT RAJABOVICH	Согласен	
Член комиссии	SULTONOV YAKUB MURATOVICH	Согласен	
Член комиссии	AXMEDOV ZOXIDJON ABDIKASIMOVICH	Согласен	
Член комиссии	UMMATOV FAYZULLA BOBOMULLAYEVICH	Согласен	
Член комиссии	MUSTONOV SOLOXIDDIN RUSTAM O'G'LII	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП